

**МАҲАЛЛА** (араб. жой, ўрин, макон) – 1) шаҳарнинг маълум бир ҳудудини ўз ичига олган ва аҳолиси бир жамоага бирлашган, ўзини-ўзи бошқаришга асосланган ижтимоий -ҳудудий бўлаги; 2) айти бир ҳудудда яшовчилар, М. аъзолари; 3) М. кенгаши ва у ўрнашган бино, М. гузари. М. тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, жез даврининг ёдгорлиги бўлган Сополлитепада 8 та оила яшаган. Кейинчалик, уларнинг сафига патриархал тизим асосида 100 дан ортиқ оилалар келиб қўшилган. Катта оилалар жамоасини оқсоқоллар бошқарган, улар эса ўз навбатида, оқсоқоллар кенгашига бирлашган. Демак, М. қадимда маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос шакли, кўриниши тарзида фаолият кўрсатган. М.ларда тарихан шаклланган миллий ва маънавий қадриятларни ҳар томонлама ўрганиш, эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш имкониятлари кенгдир. Шу боис, Ўз-нда мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб, М. ин-тига катта аҳамият берилди. Президентимиз томонидан 1992 йил 12 сентябрда республика “Маҳалла” жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон ва 1993 йил сентябрь ойида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” қонун қабул қилинди. М. ўз аҳлининг маън-й, руҳий дунёси, мафкуравий онги ва тафаккури, инсонларнинг ўзаро алоқалари, оилавий муносабат ларини шакллантирувчи, кўни-қўшничилик, куда-андачилик каби муаммо ва масалаларни ҳал этувчи нодавлат ташкилотдир. У жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталикни, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни сақлашда меҳр-оқибатлилик, шафқат ва мурувват каби усуллар билан ҳар қандай мавжуд муаммоларнинг ечимини топа оладиган ижтимоий ҳодисадир. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, **Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, хашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш** каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз. Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг қўламли фаолият олиб бормоқда. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради. Айти пайтда у юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни

**янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.** (“Юксак маънавият – енгилмас куч”, 58-60 б.). М., аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри М. аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабат ларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. М.да кенг жамоатчилик ўртасида маънавий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатлар камол топишида М.нинг ўрни бекиёс. М. доирасида амалга ошириладиган таълим ва саводхонлик курсларини ташкил этиш, анъанавий байрам ва тадбирлар пайтида муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, аёллар нуфузини ошириш, турли адолатсизликларнинг олдини олиш, ОАВ имкониятларидан фойдаланиш, бошқа муассасалар билан ўзаро алоқани яхшилаш, ҳамкорликда тадбирлар уюштириш, турли авлод вакиллари ўртасидаги муносабат ларни такомиллаштириш орқали тарғибот ўзига хос тарзда амалга оширилади. Яъни бунда ҳам таъсир воситалари сифатида ижтимоий реклама, турли курслар ташкил этиш, оилаларга психологик хизматни йўлга қўйиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, оталар насиҳатлари асосида ёшларни тарбиялаш ишида кенг фойдаланиш, ОАВ орқали берилаётган маълумотларнинг психолингвистик таҳлилини амалга ошириш, ижтимоий фикрнинг М.лар бўйича мониторингини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунда М. фуқаролар, биринчи навбатда, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг чинакам таъсирчан ўчоғига айланади.

Манбаларга кўра, "маҳалла" сўзи арабчадан олинган бўлиб, "ўрин-жой" деган маъноларни англатади. Бу сўз турли даврларда, турли жойларда маҳаллот (жойигузар, жамоа, элат, эл) номлари билан аталган. Айрим манбаларда маҳалла узоқ тарихга эга эканлиги ва унинг пайдо бўлганига икки-уч минг йилдан ошганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Наршахий ўзини "Бухоро тарихи" асарида Бухорода бундан минг йил аввалги маҳаллалар ҳақида маълумот бериб ўтган<sup>1</sup>. Алишер Навоий эса "Ҳайрат ул-аброр" асарида "маҳалла шаҳарча ичидаги шаҳарчадир" деб таъриф келтиради. Тарихчилар Амир Темур даврида маҳаллалар ривожланиб, раванқ топганлигини эътироф этишади. Агар маҳалла жамоа бўлиб яшашнинг, ўзини ўзи бошқаришнинг бир кўриниши эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, юртимизда бугунги тараққий этган жамиятни барпо этишга бўлган интилиш анча олдин бошланганлигига гувоҳ бўламиз. Маҳалла халқимизнинг менталитети, дунёқараши асосида пайдо бўлганлиги учун йиллар силсиласида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади, балки ривожланиб, замонавий кўринишга эга бўлиб борди.

Маълумки, маҳалла қадимдан маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши сифатида фаолият юритган. Шу жиҳатдан у кичик

---

<sup>1</sup> Ғуломов Л. Маҳалла - ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми. Халқ сўзи. 2003 йил 28 март.

маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга, турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлиги бўлган. Президентимиз маҳалланинг жамиятдаги аҳамияти тўғрисида шундай фикр билдиради: "Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули – маҳалла тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Уларнинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз зарур"<sup>2</sup>.

Маҳалла замирида бағрикенглик, ахлоқлилик, поклик, ростгуйлик, омонатга хиёнат қилмаслик, шижоат, жасорат, дўстлик, садоқат, киндик қони тўкилган жойнинг, демакки, Ватаннинг қадрига етиш, уни эъзозлаш тушунчалари жамулжамдир. Унинг бағрида сахийлик, эл-улусни англаш, унинг манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш, соғлом оила ва фарзандга эга бўлиш, уларни эл-юрт хизматида ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, ота-она ва ўзидан катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, ҳаромдан ҳазар, олийжаноблик, қўшниларга, атрофдагиларга мурувватлилик сингари покиза маънавий сифатлар тарбияланади, ҳаётга татбиқ этилади. Шу сабабли маҳалладошлар азалдан ўз маҳаллаларини қадрлашган, унинг равақи, аҳолисининг фаровонлиги учун қўлларидан келадиган барча ишни амалга оширишган. Бу ерда истиқомат қиладиган одамлар туғишган оға-ини, опа-сингил, қон-қариндош каби меҳр-оқибатли бўлиб, яхши ва ёмон кунларида бир-бирни қўллаб-қувватлаб келишган. Маҳаллада маънавий-миллий қадриятлар тўлақонли амал қилган, унинг фаолиятида ахлоқий муносабатлар тўла ифодасини топган даврларда чинакам солиҳ ўғиллар, солиҳа қизлар вояга етганига мозий гувоҳлик беради. Ватанимиз ҳудудидаги қўллаб маҳаллалар аҳолининг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номланган. Баъзилари эса маълум бир ўзбек уруғининг номи билан аталган. Чунки бу ерда ўша уруғ вакиллари истиқомат қилган. Натижада ҳатто маҳалланинг номи ҳам инсонлар ғурурига айланган. Бу номни пок сақлаш, кўкларга кўтариш учун аҳоли доимо ҳамжиҳатликда ҳаракат қилган. Шунинг учун маҳаллага ўзбек халқининг миллий қадрияти сифатида қаралади.

Халқимиз истиқлолга эришгач, мамлакатимизда давлат ва жамиятни бошқаришнинг ўзига хос шакли қарор топди. Маҳаллага эътибор мустақиллик билан баробар ўсиб борди. 1992 йил 12 сентябрда мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди<sup>3</sup>. Фармондан кўзда тутилган мақсад тарихан таркиб топган миллий ва анъанавий қадриятларни эъзозлаш, изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, маҳаллалар ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш,

<sup>2</sup> Каримов И. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1995, 74 бет.

<sup>3</sup> Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами), -Т.: 1999, 83 бет.

шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш эди.

1993 йилнинг сентябрида қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун ҳамда 1999 йилнинг май ойидан кучга кирган ушбу қонуннинг янги таҳрири жойлардаги маҳалларларга катта ҳуқуқ ва ваколатлар берди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатлари, ривожланишнинг тарихий хусусиятлари, шунингдек, миллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш борасидаги мустақил фаолият юритувчи ижтимоий бирлик эканлиги белгилаб берилди ва бу давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда<sup>4</sup>.

Айни пайтда маҳалла юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда<sup>5</sup>.

2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши Президентимиз И.А.Каримов томонидан маҳаллага берилаётган катта эътиборни, маҳалла ҳуқуқларининг давлат даражасида кафолатланишини, барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг таянчи ва суянчиғи этиб олинишини ва уни қуришда қудратли омилга айланганлигини яна бир бор кўрсатди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек «Маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ... нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида одамларнинг бошини қовуштиришда, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз»<sup>6</sup>.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳарча фуқаролар йиғинлари тизимининг ўзини ўзи бошқаришга доир ваколатлари икки йўналишини назарда тутди: биринчи йўналиш - **маънавий соҳадаги вазифалар** бўлиб, уларга халқнинг бир неча минг йиллик тарихидаги ноёб, халқчил анъаналарини, қадриятларини қайтадан тиклаш ва ривожлатиришдан иборатдир. Иккинчи йўналиш – сиёсий вазифа бўлиб, ўзини ўзи бошқариш институтларини ҳозирги давр талабларига мувофиқ тарзда қайтадан тиклаш билан бирга, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари ваколатларини бир қисмини ўзини ўзи бошқариш органларига, жумладан, маҳаллаларга беришдир. Ўзини ўзи бошқариш органлари жойларда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг мустақил органи

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (янги таҳрири)”. Маҳалла: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармаси, 2007, 50-70 бетлар.

<sup>5</sup> Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -Б. 173.

<sup>6</sup> Каримов И. А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт йўлидир. 11-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2003. 109-бет

сифатида бевосита давлат ва жамият ҳаётига оид бўлган масалаларни мустақил равишда ҳал қилишга қобил бўлган институтлар даражасига эришдилар.

Бугунги маҳаллаларимизда унинг низомидан келиб чиққан ҳолда турли таркибий қисмлари (хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, ҳомийлик кенгаши, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, спорт ишлари комиссияси, тўй ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш комиссияси, яраштириш комиссияси, “оила – мактаб - маҳалла” кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси, ободонлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш комиссияси, профилактика нозири кабилар) фаолият олиб бормоқда, уларнинг ҳар бири маънавий тарбия ишига ўз йўналиши бўйича ҳисса қўшиб келмоқда ва уларнинг фаолияти маҳалла Низомида белгилаб берилган. Маҳалла таркибий бўлинмаларининг фаолияти маҳалла оқсоқоли томонидан назорат қилиб борилади.

Маҳалланинг ваколатлари ҳақида сўз борганда, улардан оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишга ёрдамлашиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидан мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриши, рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишнинг олдини олиш, фуқаролар диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқиши, тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибдан тайинлайди ва тўлайди; мазкур ҳудудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлаши, аҳолининг уйларини, ҳовлилардаги биноларни, ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ораста сақлаш, болалар спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўприklar, кўчалар, йўлкалар, коммунал тармоқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини, қабристонларни таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида қатнашишларини ташкил этади, туман, шаҳар ҳокимлиги ажратадиган жамоатчилик ёрдамини (ҳашарларни) уюштиради, кўриklar ва танловлар ўтказади; деҳқон ва фермер хўжалиklarини ривожлантиришга кўмаклашади, тегишли ҳудуддаги ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза этиш устидан жамотчилик назоратини амалга оширади; савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши,

савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади<sup>1</sup>.

Маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг ушбу ваколат ва вазифаларининг қамрови ва муҳимлиги маҳалла тизимининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди. Бизнинг вазифамиз ўзини ўзи бошқариш органларининг маънавий соҳадаги ўрни ва вазифаларини кенгроқ тавсифлашдир.

Дарҳақиқат, баён этилган фикр-мулоҳазалардан маълум бўлмоқдаки, маънавият ёшлар учун сув билан ҳаводек зарур. Маънавиятсиз ҳеч қачон етук инсонни тарбиялаб бўлмайди. Чунки одамзот учун ҳаёт йўлларида ҳар қадамда зарур бўладиган аجدодлар ёди, миллий гурур ва ифтихор, жонажон Ватанга муҳаббат, ота-онага хурмат, истиқлолга садоқат, фарзандлик ҳисси, инсоний фазилатлар айнан маънавият орқали унинг онгу тафаккурига сингиб боради, ҳаётининг маъно-мазмунига айланади. Юртимизда бу борада “Мақтаб-маҳалла- оила” концепцияси, яъни уч бўғиннинг ўзаро ҳамкорлиги самарали натижалар бермоқда. Масалан, оила, маҳалла билан ҳамкор мактаблар, билим масканларида давомат ҳам, билим ҳам, маънавий-маърифий ишлар ҳам ижобий. Бугунги кунда ўз ҳаётини ана шундай масъулиятли вазифага бағишлаган кўплаб кишиларимиз юртимизда янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, комил инсонни тарбиялаш йўлида муносиб ҳисса кўшиб келмоқда. Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда маҳалла, унинг донишманд аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Янги жамият бунёдкори бўлмиш янги инсонни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда самарали фаолият юритаётган, бу ноёб тузилмани том маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда. Айнан ана шу инсонларнинг одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, ўз вақтида бераётган амалий ёрдамлари, тўғри ва ўринли маслаҳатлари туфайли оила ва маҳалла муҳитида, бутун диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бораётганини эл-юртимиз юксак қадрлайди. Айниқса, ёш йигит ва қизларимизнинг мустақил ҳаётга кириб бориши, ёш оилаларнинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин топишида бу фидойи ва меҳрибон, жонкуяр одамларнинг қанчалик муҳим роль ўйнаётганини чуқур хурмат билан эътироф этишимиз лозим.

Аёнки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуни. //Маҳалла:ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати. (Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами).-Т:1999, 69-72-бетлар.

мухтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳиtida шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бугун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётӣ ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Маҳалланинг халқ маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уларни кўз ўнгимиздан ўтказиб, атрофлича таҳлил қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқӣ манзаранинг ёрқин ифодасини, аввало, маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз. Шу сабабли биз маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси маҳалла идорасига янада кўпроқ имконият бериш, унинг ҳуқуқӣ ва амалӣ ваколатларини кенгайтириш билан бевосита алоқадор эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. Шу орқали биз ўзимизнинг эзгу мақсадимиз бўлмиш эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, улкан қадам қўйган бўламиз.

Мухтасар қилиб айтганда, маҳалла деган улуғ даргоҳ, шарқона қадриятнинг инсон ва жамият тараққиёти, фуқаролик жамияти қурувчилари, келажакимиз таянчи ҳисобланган ёшларимиз тарбияси, қолаверса, бутун халқимиз маънавияти ривожидида тутган ўрни бекиёсдир.